

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ
ҲОҚИМИ
ҚАРОРИ



O' ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI
НОҚИМИ
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi
ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил “24” июн

№ 1183

Янгибозор шаҳарчаси

“Тозадўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Жумабоев Жамол Раимбаевичга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, “Тозадўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Жумабоев Жамол Раимбаевичнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб бериши сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов якунлари натижалари, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов якунлари натижалари, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.
2. “Тозадўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Жумабоев Жамол Раимбаевичга туман ҳокими захираси ҳисобидаги № 644к, 647к, 646к, 645к, 666к, 641-контурларида жойлашган умумий ер майдони 10,6 гектар, шундан боғзор 10,6 гектардан иборат ер участкасини боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.
3. “Тозадўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Жумабоев Жамол Раимбаевичга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Ж.Жумабоев ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро Жумабоев Жамол Раимбаевичга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилған ҳолда самарали фойдаланиш;
- туман Статистика ва Солиқ идоралариға белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;
- ер участкасидан қишлоқ хұжалик әқинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастрынан кам бўлмаслигини таъминлаш;
- ерлардан ер қонунчилигидан қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хұжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў.Курбанов